ХАЛҚАРО НЕФТЬ ҚЎРГАЗМАСИ

"Нефть ва газ — 97" биринчи Ўзбекистон халқаро кўргазмаси якунланди. "Интерконтиненталь" меҳмонхонасида эса "Ўзбекистоннинг нефтгаз салоҳиёти" халқаро конференцияси ўтказилди. Ушбу нуфузли анжуманда мамлакатимиз нефть ва газ саноатининг тараққиёти атрофлича таҳлил этилди.

Алишер РЎЗИЕВ.

ОБИДАНИНГ ИККИНЧИ УМРИ

XVIII асрда қурилган Яккабоғдаги Ёдгор Валлами обидаси иккинчи умрини яшашга ўтмоқда. Қадимий ёдгорликнинг 72 та хонасидан ҳозирча 34 таси қайта таъмирланмоқда. Бинода жаҳон тиллари лицейи жойлашади. Таъмирлашни республика Маданият ишлари вазирлигига қарашли Шаҳрисабз устахонаси меъморлари бажаришмоқда.

Юнус УЗОҚОВ.

ЯНГИ АВИАКОМПАНИЯ

Мамлакатимизда "SAR" деб номланган янги авиакомпания иш бошлади. У Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси билан ҳамкорликда енгил моторли самолётларни яратиш мақсадида қўшма корхона тузмоқда. Деҳқончиликда ишлатиладиган дельтопланлар тайёрлаш ҳам кўзда тутилган.

Раъно ҚУРБОННИЁЗОВА.

ЎЗБЕК УСТАЛАРИНИНГ СОВРИНИ

Покистонда ўтказилган Ислом мамлакатлари халқ амалий санъати кўриги ўзбек усталарининг шуҳратини янада оширди. "Усто" бирлашмасининг қўли гул рассомлари фестивалнинг энг юксак мукофотларини олишди.

Мақсуд Мадалиев халқ анъаналарини фаол давом эттиргани учун "Гулчамбар" соврини,Хуршид Назиров, Маҳмуд Қосимов, Равшан Ниёзов, Маҳмуд Абдураҳмонов, Тойир Болтабоев, Мирзафар Болтабоев биринчи даражали "Катта соврин" соҳиблари бўлишди.

Абдулла ПЎЛАТОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 24 май, шанба № 60 (22.144).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ШЕРОБОДЛИКЛАР ЗАФАРИ

Шеробод тумани пиллакорлари Сурхондарё вилоятида иккинчи бўлиб давлатга пилла топшириш режаларини уддалашди. Туманда 80 тонна ўрнига 81 тонна «кумуш» тола етиштирилди.

Бунда Нуриддин Муродов номидаги, «Ўзбекистон», «Паллашқон» жамоа хўжаликлари пиллакорларининг ҳиссалари, айниқса, салмоқли бўлди. Пиллакорлар режадан ташқари яна 15 тонна хом ашё топшириш ниятидалар.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ.

АРАВАСОЗНИНГ НАБИРАСИ АВТОМОБИЛСОЗ

Ўтмишда аравасознинг набираси автомобилсоз бўлиши афсона эди, холос. Мамлакатимиз мустақиллиги бу оддий хаёлни ҳақиқатга айлантирди. Асакада «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси ишга тушиши туфайли минглаб ёшлар иш билан таъминланди.

Булоқбошининг Оқсув маҳалласида яшовчи Олим ота ўтмишда аравасоз эди. У набираси Бекжонни бошқалар ҳавас қиларли касб эгаси бўлишини ўйларди. Бобонинг нияти амалга ошди. Кўплаб тенгдошлари қатори Бекжон Олимов автомобилсоз бўлди.

Бекжон билан «ЎзДЭУавто»нинг йиғув цехида учрашганимда бобосининг нияти, ўзининг орзуси рўёбга чиққанидан хурсандлигини билдирди. Бекжон ва унинг Хурсандбек Абдулазизов, Эркинжон Усмонов, Бахтиёр Халилов, Алишер Абдужалилов, Зокиржон Абдумуталлиповлар сингари минглаб тенгдошлари меҳнати билан замонавий «Тико», «Дамас», «Нексия»лар конвейердан тушяпти.

Ўзбекистоннинг навқирон автомобилсозлари фаолияти фахрла сўзлашга лойиқ. Бежирим кийинган Баҳромжон Мирзааҳмедов Жанубий кореялик мутахассис Чон Че Мён билан бемалол гаплашиб, дадил иш юритаётгани ёшликнинг шижоати. «ЎзДЭУавто» мамлакатимиз автомобилсозлиги бешиги бўлиш билан бир қаторда дўстлик тимсолига айланмоқда.



— Бугун биринчи линиядан 130 та «Нексия» тушиши режаланган, — дея изоҳ берди ассистент-менежер Дилшодбек Ҳасанов. — Тушликкача 65 тага етди. Иш маромини кўнгилдагидек. Иккинчи линияда «Тико», «Дамас» бу пайтда белгиланганидан учта ортиқ тайёрланганлиги ҳаракатлар самарасини кўрсатмоқда.

Ҳар бир суҳбатдошимиз ўзи меҳнат қилаётган қўшма корхона ҳақида аниқ фикр айтади.

— «ЎзДЭУавто» ишчи-хизматчиларининг ўртача ёши 25-26 ёшга тўғри келади, — дейди кадрлар бўйича бош менежер Авазбек Ҳакимов. Ишчиларнинг 80 фоизи қишлоқ ёшлари. Улар замонавий дастгоҳларни бемалол бошқаришяпти. Уқувли эканликларини амалда намоён этяптилар.

Асакалик автомобилсозлар эллик мингинчи автомобилни конвейердан туширганларига ҳам анча кун бўлди. Бу кўпчиликнинг қувончи. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқида «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси ҳақида алоҳида таъриф айтди.

Қўшма корхона кундан кунга фаолият мезонини кенгайтириб, қанот ёзмоқда. Ҳамкорликда ишловчи қўшма корхоналар кўпаймоқда. Андижоннинг ўзида «ЎзДЭУавто» билан алоқада ишловчи «Ўз-Тонг-Хонг», «Ўз-Кором» сингари қўшма корхоналар ишламоқда. Ҳамкорлар автомобиллар учун ўриндиқ ҳамда бошқа эҳтиёт қисмлар етказиб беряптилар. Энг муҳими, бу корхоналарда кўплаб ёшлар янги, замонавий касбни ўзлаштиряптилар. Ҳар бир жойда ёшлик шижоати, бунёдкорлиги, истиқлол истиқболи билиняпти.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СУРАТДА: йиғув цехи устаси Б. Мирзааҳмедов кореялик мутахассис Чонг Че Мён билан.

Хурсандбек АРАББОЕВ олган сурат.

«Нексия»ни юргизган ёшлар

ИНСОНГА ЕТМАСИН

Инсон ўз умрида қўли билан, дили ва тили билан бировга зарар етказиши жуда ачинарлидир. Баъзан оддий нарсага беписандлик билан қараш натижасида катта жиноятлар содир этилиши мумкин. Инсон бир-бирини авайлаб-асрашни, оғир кунларида дилларига малҳам беришни ҳар доим ҳам ўйлайвермайди. Афсуски, баъзи бир кимсалар ўз тақдирларига ҳам беписандлик билан қарашади. Жавоб бериш вақти келганида эса надоматлар чекади. Буларнинг олдини олиш эса биринчи уринда муҳит билан, одамларнинг бир-бирига яхши муносабати билан Ҳуқуқий маданиятни, ҳуқуқий билимни яхши билиши билан белгиланади.

Жиноятнинг олдини олишдаги биринчи масала-бошланғич таълимни ҳуқуқий маданиятни ошириш ҳамда унга оид қонунлар билан кўпроқ боғлаб олиб боришда, деб биламан. Ўрта мактабларда-ги одоб дарсларини аввало ҳуқуқ-тартибот билан кенг шуғулланган, аждодларимиз ўгитларини чуқур билган ва ўзи шунга амал қиладиган ўқитувчилар ўқитиши мақсадга мувофиқдир. Болага тарбия 8 ёшгача ота-оналар томонидан кўпроқ берилади. Кейинчалик бола ўзини асосан жамоатчилик орасида сеза бошлайди. Ҳар хил фикрлар, мулоҳазаларни қабул қилиш учун ҳам қобилияти лозим даражага кўтарилади. Бу пайтда бола ўзининг қимлигини, ота-онани ва мактаб ўқитувчисини ўрганади. Бола 10-12 ёшга етганда эса у давлат тизимини, унинг бошқариш органларини ва давлат қонун-қоидаларини, энг муҳими, ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билмоғи зарур. Биз кейинги пайтда болаларимиз тарбиясига назар соладиган бўлсак, улар йигирма йил аввалги болалардан кескин фарқ қилади. Булар ҳозирги кундаги қонунларни мукаммал билишга интилади. Тартибларни билмагани учун айрим ёшлар эса баъзан катта жиноятларга қўл уриб қўяди. Ҳозирги пайтда қишлоқ шароитларида мактаб муассасаларида ҳуқуқий таълим дарсларининг яхши йўлга қўйилмаганлиги яққол билиниб қоляпти.

Туманимизда энг кўп содир этилаётган жиноий ишлардан айтиб ўтадиган бўлсак, бу асосан оила можаросидир. «Суд ҳокимияти тўғрисида»ги Қонун чиққанидан кейин суд ҳокимиятларига катта имкониятлар яратилди. Биз мустақил давлатимизнинг бугунги тараққиёт босқичида қайта-қайта ўйлаб, жуда аниқлик билан иш юритишимизга тўғри келади. Бизнинг туманимизда шаҳарларга нисбатан олганимизда судьялар борасида ҳам бир оз фарқ бор. Масалан, 220 мингдан ошиқ аҳолига битта мен судьялик қиламан. Яна қўшимча қўшни туманлардан ҳам иш кўришимизга тўғри келиб қолади. Мақсадимиз — қонунларимиз мустаҳкамлиги учун ҳалол хизмат қилишдир.

Ҳуқуқий маданият

Юртбошимиз куни кеча ҳуқуқ-тартибот раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар ва журналистлар билан ўтказган учрашувда Адлия вазирлиги қошида ҳуқуқшуносларнинг малака ошириш марказини ташкил этиш ҳақидаги ўринли таклифни ўртага қўйдилар. Бундай марказ ташкил этилса, ўйлайманки, биз судьялар ҳам янги замон руҳида билимларимизни ошириш имконига эга бўламиз.

ОЗОР

Бинобарин, мазкур учрашувда **халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиши лозим,** деб таъкидлади давлатимиз раҳбари. Зеро, мустақиллик сўзининг замирида ҳам катта, улуғ ҳуқуққа эга бўлиш деган тушунча ётади.

Фуқароларнинг, хусусан ёшларимизнинг ҳуқуқий билим ва маданиятини ошириш ҳақида юртбошимиз учрашувда айтган мулоҳазалар биз — ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари олдига улкан вазифалар қўяди.

Абдураҳмон КАРИМОВ,
Чироқчи туман суди раиси.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ ***Албанияда бўлажак парламент сайловларида асосий сиёсий партиялар иштироки ҳақида келишиб олинди.***

* * *

☑ ***Ҳиндистоннинг марказий ҳудудларида 6 балли зилзила юз берди.***

* * *

☑ ***НАТО ва Россия ўртасидаги қўшма кенгаш яқин ойларда ташкил этилиши мумкин ва у кузга бориб ўз ишини бошлайди, деб ҳисоблайди АҚШ давлат котиби ўринбосари С.Тэлботт.***

* * *

☑ ***АҚШ Руминияда ҳарбий вертолётлар ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқда.***

* * *

☑ ***Россия Президенти Борис Ельцин ўз фармони билан мамлакат мудофаа вазири Игорь Родионов ва бош штаб бошлиғи Виктор Самсоновларни эгаллаб турган лавозимларидан озод этди.***

* * *

☑ ***Европа комиссияси Европа Иттифоқи мамлакатлари ва улар билан алоқа қилаётган давлатларда коррупцияга қарши курашни кучайтиришни ёқлаб чиқди.***

* * *

☑ ***Италия ва Латвия раҳбарлари Рига шаҳрида бошланган сиёсий мулоқотни давом эттирмоқдалар.***

* * *

☑ ***Болтиқбўйи мамлакатлари, Украина ва Польша Президентлари Таллинда ўтказиладиган учрашувда ўз давлатлари хавфсизлиги муаммоларини муҳокама қилишади.***

* * *

☑ ***Венесуэла суди колумбиялик наркобизнес «бошлиқ»ларидан бирини Америка ҳуқуқ-тартибот органларига топширишга қарор қилди.***

Хушхабар

НИЗОМИДДИН «ТИКО» ЮТДИ

Урганчдаги «Олимпия» ўйингоҳида бўлиб ўтган навбатдаги олий табақа футбол жамоалари ўртасидаги ўйинда «Хоразм» жамоаси «Андижон»ни 2:0 ҳисобида доғда қолдирди. Ишқибозлар орасида энг кўп қувонган вилоят мулк қўмитаси ходими Низомиддин Шарипов эди — у «Тико» автомашинаси эгаси бўлди.

Халқаро «Наврўз» жамғармаси вилоят бўлими ҳамда вилоят футбол федерацияси чиқарган «Футбол-97» пул-буюм спорт лотереяси мазкур ўйинда илк бора ўйналиб, 161 нафар ишқибозлар гилам, футбол тўпи ва бошқа қимматбаҳо ютуқлар эгалари бўлдилар.

Рўзимбой ҲАСАН.

АНЪАНАВИЙ МАШРАБХОНЛИК

Бугун Наманган вилоятида ҳоким қарорига мувофиқ, Машрабхонлик куни бошланади.

Наманганлик оташин шоир хотирасига бағишланган тантаналар унинг номи билан юритилаётган шаҳар маданият ва истироҳат боғида ўтади. Боққа келувчилар учун театр томошалари ташкил этилади, шоирлар учрашувлари, концертлар бўлади.

Олтинчи марта ўтказилаётган бу байрамнинг ўзига хос жиҳати унинг хайрия мақсадида ташкил этилганидир. Машраб хотираси кунида вилоят корхоналари, ташкилотлари ва хўжаликлари ажратган маблағ ҳисобидан тўйлар ҳамда бошқа хайрия тадбирлари ўтказилади.

Н.ХЎЖАЕВА.

СОХТА САВДОГАРЛАР ВА...

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Тафтиш-назорат ишлари бош бошқармасига қарашли ахборот-таҳлили бўлимининг фаолияти билан танишган киши бу ерда олиб борилаётган ишларнинг мураккаблиги ва ғоятда масъулиятлигига ишонч ҳосил қилади.

Бўлим бошлиғи Муборак Рихсиева билан солиқ идоралари олдида турган долзарб вазифалар ва муаммолар тўғрисида суҳбатлашдик,

— ***«Солиқ соҳасидаги жиноятчилик» деган ибора бор. Айтингчи, бу нарса қайси соҳаларда кўпроқ учрайди ва бунинг олдини олиш учун қай тариқа курашилмоқда?***

— Бугунги кунда солиқ тўлашдан ўзини олиб қочувчилар ҳамон мавжуд. Кўпгина маҳсулот сотиш ҳажмини камайтириб кўрсатиш, унинг таннархини сунъий равишда оширишга интилиш, тушган нақд пулни яшириш, ўзаро ҳисоблашишларда бошқаларнинг счётидан фойдаланиш, аслида йўқ одамлар номидаги фирмаларни рўйхатдан ўтказиш, сохта манзилгоҳларни кўрсатиш ҳоллари учрайди. Бу ишларни аниқлаш ва тегишли чора кўриш билан солиқ идораларининг махсус тафтиш-назорат бўлимлари шуғулланади. Ўтган йилда 213.085 та текширув, 51 мингдан ортиқ рейд ўтказилди. 149.739 ҳолатда қонун бузилишига йўл қўйилганлиги аниқланди. 157808 киши маъмурий жавобгарликка тортилди, шундан 115794 нафари мансабдор шахслардан иборат.

— ***Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ тўғрисидаги қонунларига риоя этилишини назорат қилиш республика солиқ идораларининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Бунда солиқларни ундириш, тўғри ҳисоблаш, уларнинг ўз вақтида ва тўла-тўкис давлат бюджетига тўланиши муҳим аҳамият касб этади. Бундай назоратни йўлга қўйиш амалда қандай бўлаяпти? Қонунни бузувчиларга нисбатан қандай жазо чоралари қўлланилмоқда?***

— Бир мисол келтираман. Ўзбекистон Республикаси Президентининг бозорлар фаолияти масаласига оид Фармони чиққанидан сўнг жойларда кенг миқёсда тушунтириш ишлари олиб борилди. Ички ишлар вазирлиги, прокуратура ходимлари билан ҳамкорликда бозорлардаги ва уларнинг атрофидаги салбий ҳодисаларга қарши курашни кучайтириш чоралари кўрилди. Натижа чакки бўлмади: бир марта йиғиб олинадиган солиқ суммаси кескин даражада ошди. Шунингдек, касса интизомларини бузиш ҳоллари аниқланди. Масалан, солиқ идоралари томонидан пойтахтнинг «Отчопар» буюмлар бозорида ўтказилган текширувда назоратчи-кассирлар қўлида ортиқча пуллар йиғилиб қолгани маълум бўлди. Айни пайтда 25 сўмдан 5.000 сўмгача пул етишмаслиги ҳоллари ҳам аниқланди. 4.000 дона жетон ортиқ чиқди. Бу ортиқча 20.000 сўм демакдир.

Республикамиз бозорларида янги фирмалар, компаниялар ва корпорацияларнинг моллари пайдо бўлаётгани қувонарли бир ҳолдир. Корхона ёки фирма фойда олишни аҳолининг кундалик эҳтиёж молларига бўлган талабини қондиришни, бу молларни сифатли ишлашни ва нисбатан арзонроқ қилиб сотишни мақсад қилиб қўйган бўлса кошкийди. Бироқ, ҳақиқий тадбиркорлар ва бизнесменлар қаторида сохта савдогарлар ҳам учраб туради. Улар ҳозирги қийинчилик кунлардан фойдаланиб, харидорларни алдаб, арзон маҳсулотларнинг нархини бир неча баробар орттириб, қиммат баҳода пулламоқдалар. Уларнинг «усти ялтироқ, ичи қалтироқ» молларига учиб алданган кишилар солиқ идораларига шикоят қилаётирлар. Бурноғи йил шу хусусида фуқаролардан 600 дан зиёд шикоят ва ариза олинди. Кўплар савдосотиқ ишидаги камчиликлардан, савдо қилиш қоидалари бузилишидан шикоят қилади. Маълумки, ҳар қандай жиноят ахлоқсизликдан иборат. Айниқса, идоралар раҳбар-ходимларининг, мансабдор шахсларнинг жиноий ишга қўл уришини ҳеч нима билан оқлаб бўлмайди.

— ***Солиқ инспекторининг иши осон эмас, албатта. Баъзан хавфли ҳам. Солиқ инспектори ўз хизмат вазифасини бажараётганида унга нисбатан тазйиқ, дўқ-пўписа, зўравонлик ишлатиш ҳоллари учрайдими?***

— Ҳа, афсуски, учрайди. Бир неча мисол келтираман. 1996 йил 20 январда Тахиатош шаҳри автобекати ёнидаги хизмат бурчини бажараётганда Тахиатош Давлат солиқ инспекциясининг ходимларидан К. Каримсоқов, Т. Сотканбоев калтакланди. Каримсоқов бош мия жароҳати билан касалхонага ётқизилди. Безорилар суд тамонидан жазоланди: Т. Бегимов икки йилга, Г. Тореев уч ярим йилга озодликдан маҳрум қилинди.

Ўша йили 14 апрель куни Чимбой деҳқон бозорида шаҳар Давлат солиқ инспекциясининг бошлиғи М. Қдирниёзовга нисбатан тажовуз қилинган. 24 майда Жиззах шаҳар Давлат солиқ инспекциясининг инспектори У. Юсупов текширув ўтказаётганида унинг бошига тош отиб жароҳатлашган. 14 июнда Қашқадарё вилоятида Қамаши туманида инспектор Ш. Мусаев бозорда текширув иши билан шуғулланаётганида унга тан жароҳати етказилди.

Барча ҳолларда ҳам безориларга нисбатан қонунлар асосида тегишли чоралар кўрилмоқда.

Солиқ тизимида нима гап?

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиманки, Давлат ҳокимиятининг вакили бўлмиш солиқ инспектори ўз хизмат вазифасини ўтаётганида давлат ҳимояси остида бўлади. Унинг шон-шарафи ва қадр-қиммати давлат томонидан муҳофаза қилинади.

— ***Солиқ идоралари фақат жазолаш билан шуғулланади, деган нотўғри фикр ғазетхонларда пайдо бўлмаслиги керак, шундай эмасми?***

— Жуда тўғри гапни айтдингиз. Бизнинг ходимларимиз жойларда бўлиб, текширувлар ўтказаётганда солиқ тўловчилар ўртасида тушунтириш ишларини ҳам олиб борадилар, уларга зарур ҳуқуқий-методик ёрдам кўрсатадилар, аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш саъй-ҳаракатида бўладилар.

Суҳбатдош: Фарҳод РАСУЛОВ,
Давлат солиқ қўмитасининг матбуот хизмати ходими.

Партия ҳаёти

ФАОЛЛИККА ДАЪВАТ

Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят кенгашининг пленуми бўлди. Пленумда маънавий ва демократик янгиланишларда партия ташкилотлари иштирокини фаоллаштириш соҳасидаги вазифалар муҳокама этилди.

Вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Н. Қозоқов маърузаси ва кенгаш аъзолари, фаоллардан «Наманган ҳақиқати» — «Наманганская правда» газеталари бош муҳаррири Ф. Йўлчиев, «Чортоқ» жамоа хўжалиги раиси Т. Жумабоевлар бир неча янги таклифларни ўртага ташладилар.

Пленумда, шунингдек, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан вилоят Кенгашига Наманган шаҳридаги 9-Ишчи сайлов округидан депутат, вилоят саноат-савдо концерни раиси С. Тухтабоевнинг ахбороти эшитилди. У уз партиядошларига утган даврда амалга оширган ишлари ҳақида сўзлаб берди, келгуси режаларини баён қилди.

Анжуманда Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроия қўмитаси аъзоси, вилоят ҳокимининг ўринбосари Д. Дадажонова қатнашди.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ВАТАН ТУЙҒУСИ МУҚАДДАС

Миллат ва маънавият

Абдуқаҳҳор Иброҳимов, Хайриддин Султонов, Нарзулла Жўраевлар ҳамкорлигида нашр этилган «Ватан туйғуси» номли асар қисқа вақт ичида китобхонлар оммаси меҳр-муҳаббатига сазовор бўлди. Китобнинг «Бир шода марварид», «Теран томирлар», «Истиқлол шижоати» деб номланган учта қисмига хос бўлган умумий бадиий ўксаклик ижтимоий ҳаётимиз, мустақил Ўзбекистонимиз, миллатимиз, тарихий тараққиётимизнинг асосий ва муҳим омилларидан бирига айланиб қолган маънавият муаммоси масаласига алоҳида эътибор берилганлигидадир.

Муаллифлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг инсон, жамият, давлат, халқ ва миллат ҳаётида иқтисодий-моддий муносабатлар қанчалик муҳим аҳамият касб этса, маънавий эҳтиёжларга бўлган талаблар ундан ҳам кучлироқдир, маънавият инсонга ҳаводек, сувдек зарур, шунинг учун ҳам унинг аҳамиятини ўлчаб ҳам, поёнига етиб ҳам бўлмайди, деган чуқур маъноли фалсафий таълимоти ва моҳиятини номи зикр этилган асарлари руҳига чуқур сингириб юборганлар.

«Ватан туйғуси» муаллифлари томонидан жуда ўринли таъкидланганидек маънавият улкан, беқиёс куч. У одамнинг ақли заковатини чархлайди, тафаккурини бойитади, ирода ва имонини бақувват қилади. Маънавий баркамол одам ҳар қандай бўҳтонларга қарши тура олади, мард ва матонатли бўлади, қийинчиликларни сабот билан енгади. Бошқаларга ўрнак ва намуна бўлиб, уларни ўз ортидан эргаштира олади».

Китобнинг «Олтин бешик» деб аталган бобида Ватан нима, нима учун тарихий Ватан, Ватан туйғуси, Ватан соғинчи, Ватан қайғуси дейилади, деган ўта нозик, мураккаб ва қизиқарли саволларга муаллифлар томонидан мукаммал, чуқур илмий асосланган жавоблар берилган. Таъкидланишича, аслида арабча сўз бўлган «Ватан» атамаси она юрт маъносини билдириб, кенг ва тор маъноларда қўлланилади, тарихий тараққиёт жараёнида кенгайиб, ривожланиб, бойиб туради. Ватан ҳисси, муаллифлар таъбири билан айтганда, муқаддас туйғудир. Ватан ҳисси шу Ватаннинг эгаси бўлмиш халқни билишдан, унинг қадрига етишдан, нималарга қодир бўлганини тан олишдан, буюклигини эътироф этишдан бошланади.

Ўзбекистонимиз Давлат мустақиллигига эришганидан кейин Ватаннинг қадри ортди, халқнинг қадди тикланди, Ватан деган муқаддас тушунчадаги сохталиклар барҳам топиб, янгича мазмун ва моҳият касб этди. Мустақиллик туфайли, дейилади китобда, «Ватан ҳақида, халқ ҳақида, аждодлар ҳақида, ўтмиш ҳақида, қадриятлар ҳақида, мерос ҳақида, бугун ва келажак ҳақида баралла сўзлаш имконияти туғилди. Бинобарин, ҳақиқий Ватан муҳаббати, Ватан ҳисси мамлакат озод ва обод, халқ эркин бўлганидагина юзага келар экан».

Бутун дунёда буюк сиёсатчи, донишманд раҳбар сифатида аллақачоноқ эътироф этилган ва тан олинган Ислом Каримов сўз юритилаётган китобда таъкидланишича, «Мамлакат раҳбарлигига сайланганидан бошлабоқ халққа суянди, унинг ташвиш ва изтироблари билан яшади. Аҳоли руҳиятига таъсир қиладиган, уни маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлайдиган, ўзлигини англашига ёрдам берадиган усулларни ишлаб чиқди ва ҳаётга татбиқ этди».

Асарда Ислом Каримов томонидан Ўзбекистонни сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий, мафкуравий ривожланиши масаласида ишлаб чиқилган дастурий йўл-йўриқлар ҳозирги пайтда муваффақиятли равишда ҳаётга татбиқ этилаётгани аниқ мисолларда қайд этилган.

Китобда истиқлол даври тарихи, Ўзбекистон миллий истиқлол йўлининг моҳияти, мустақилликни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизларини давлатимиз раҳбари фаолияти билан боғлаб талқин этилганлигини жуда тўғри ва ўринли деб ҳисоблаймиз.

Миллийлик ва мустақиллик руҳида ёзилган китобда муаллифлар томонидан тўғри таъкидланганидек, Ватан меҳри, Ватан туйғуси, миллий руҳ, одоб-ахлоқ, юксак маънавият — бу қуруқ ҳавойи гап эмас, авлод-аждодлар билан шунчаки фахрланишгина эмас. Бу — халқимизнинг олтин мероси, тили, анъаналари ва маданиятига ҳурмат билан қараш. Турон, Туркистон, Ўзбекистон деб аталувчи юртимизнинг тарихини муттасил ўрганиб боришдир. Бу — озод халқнинг муносиб фарзанди, мустақил мамлакатнинг фидойи фуқароси бўлмоқликка интилиш туйғусидир.

Жондор ТУЛЕНОВ,
Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси,
Зоир ҒОФУРОВ,
фалсафа фанлари номзоди.

ШАРТНОМА БАЖАРИЛДИ

Усмон Юсупов тумани пиллакорлари Қашқадарё вилоятида биринчи бўлиб пилла етиштириш бўйича шартнома шартларини бажаришди. 410 кути ипак қуртининг ҳар кутисидан 65 килограммдан пилла олинди. Қабул пунктларига 18 тоннадан зиёд қимматли саноат хомашёси топширилди. Ялпи хирмонни 20 тоннага етказиш мўлжалланяпти. Баҳористон тумани пиллакорлари ҳам зафар қучди. Улар 8 тонна пилла топшириб, шартномавий мажбуриятларини бажарди.



ЮРАКЛАРГА СОЛИБ ҲАЯЖОН, ТИТРОҚ, ЯНГИ ЙЎЛГА ЧОРЛАР СЎНГГИ ҚЎНҒИРОҚ.

Ҳ. МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.

ҲАЁТИМИЗ ГАВҲАРИНИ АСРАЙЛИК

Сир эмаски, кейинги пайтларда глаукомага чалинган кишилар онда-сонда бўлса-да, учраб туради. Бу қандай хасталик, унинг олдини олиш учун нималарга эътибор бериш лозим? Ўзбекистон Республикаси Ногиронлар соғлиғини аниқлаш ва қайта тиклаш илмгоҳининг илмий ходими, малакали кўз шифокори, тиббиёт фанлари номзоди Роҳила ЗОКИРОВА билан суҳбатимиз шу мавзуга бағишланди.

Шифокор огоҳлантиради

— Институтимиз шифохонасига республикамизнинг барча туман ва қишлоқларидан глаукома хасталигига чалинган беморлар мурожаат этиб туришади. Глаукома — кўзга «назла» ёки «кўксув» йиғилишидир. Бу касалликни кўз ички йўлларини очиш усуллари билан даволанилади. Менимча, бундай касалликка чалинишнинг асосий сабаби, туман ва қишлоқларимизда малакали шифокорларнинг етишмаслиги, аҳоли ўртасида тушунтириш ишларининг савияси ва самараси пастлигидандир.

Глаукома хасталигига чалинган кўзнинг кўриш қобилияти сусайган бўлса, беморнинг ишлаш ва яшаш шароитига қараб сезиларли даражада турли ўзгаришларга мойил бўлади. Шу ўринда меҳнат шароити кўриш органининг бир меъёрда фаолият кўрсатиши учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш лозим. Зеро, ҳар қандай одам ишлаш жараёнида кўриш қувватидан кўпроқ фойдаланилади. Айрим мутахассисликлар кўриш қувватини узоқ вақт, мунтазам талаб этмайди. Баъзилари эса масалан, замонавий электрон асбобларни йиғиш, соат тузатиш, тикувчи, тўқувчилик касбларида кўз қувватини кўпроқ сарфлаш билангина сифатли маҳсулот тайёрлашга эришилади.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, кўриш органининг бир меъёрида фаолият юритиши учун иш жойининг яхши ёритилганлиги муҳим аҳамият касб этади. Энг асосийси, юрак-қон томирлари фаолиятини яхшилаб, бутун организмга самарали таъсир қилади, шунингдек ҳориб-чарчашнинг олдини олади.

Яна шуни унутмаслик лозимки, ёруғлик сифатига ҳавонинг мусаффолиги ҳам алоҳида таъсир кўрсатади. Агар иш хонангиз чанг, тутун бўлса, ёруғлик сифати сезиларли даражада пасаяди. Бу эса кўриш органига салбий таъсир этади. Чанг, тутунли иш жойининг кўзга таъсири фақат шундангина иборат эмас, ҳавонинг бундай ифлосланиши кўз соққаси ва шиллиқ парданинг касалланишига, қовоқнинг қичишига, кўз ёшланишига олиб келади. Натижада, кўз тез толиқади, эрталаб қовоқлар шишиб қолиши кузатилади.

Айниқса, оналар ва болалар ўртасида ҳам шундай касалликлар мавжудки, улар бунга бепарво бўлмасликлари керак. Оналарнинг ҳомиладорлик вақтларида юқумли касалликлар билан оғриши, оғир меҳнат қилишлари натижасида болаларнинг умумий касалликлар, жумладан, кўз хасталиги билан туғилиб қолиш ҳоллари ҳам учрайди. Агар болаларда бирорта кўз касаллиги ёинки кўриш қобилияти пастлиги сезилиб қолса, дарҳол шифокорларга мурожаат қилиш керак.

Азиз ота-оналар, опа-сингиллар, ака-укалар агар ўз соғлиғимиз тўғрисида ғамхўрлик қилиб, ишлаб чиқариш ва турмушда шахсий гигиена қоидаларига амал қилиб борсак, ноёб гавҳар — кўриш органининг кўпгина касалликлардан асраб қолишингиз мумкин. Глаукома белгиси пайдо бўлган тақдирда «ўз-ўзидан ўтиб кетади» қабилида иш тутиб, зинҳор-зинҳор бепарво бўлманг. Мабодо у ёшимизга боғлиқ хасталик бўлса, кўзнинг жиддий касалланишига олиб келиши турган гап. Ҳар қандай касаллик сингари глаукома ҳам ўз-ўзидан келмайди. Шундай экан, кўзимиз гавҳари — ҳаётимиз нурини барчамиз фаол асрашимиз лозим.

Суҳбатдош: Файзулла ИСАЕВ.

Футбол

ОСОННИНГ ХОСИЯТИ БЎЛМАС

Эртага «Пахтакор» марказий ўйингоҳи гавжумлашади. Ўзига хос футбол байрами бўлади. Мамлакатимиз бош жамоаси —миллий терма жамоа футболчилари жаҳон чемпионати саралаш учрашувини ўз майдонларида ўтказадилар. Албатта мухлислар олий табақа жамоаларидан саралланган, кучли футболчилардан таркиб топтирилган миллий жамоанинг ўйинлари ва имкониятларини ўз кўзлари билан кўришга ошиқмоқдалар. Боиси, бош жамоамиз олдида фахрли ва масъулиятли вазифа турибди. Улар ўз гуруҳларида ғолиб келиб, Францияга йўлланма олиб курашни давом эттиришларига тўғри келади.

Ҳозирча айтиш мумкинки, бошланиши чакки эмас. Сафарда Яман футболчиларини мағлубиятга учратиб, 3 та очколи бўлишган. Мазкур гуруҳда эса Яман жамоаси тўрт ўйиндан 7 та очко тўплаб, пешқадамлик қилмоқда. Индонезия футболчилари 3 та ўйиндан кейин 5 та очко билан иккинчи бўлиб туришибди. Қийин бўлганда Комбоджа ўйинчиларига қийин. Чунки, бу жамоа Индонезия билан ўйинда 8 та, Яман билан учрашувда 7 та жавобсиз тўпни ўтказиб юборган. Ҳисобларида бор йўғи 1 тагина очко бор. Шунга қарамай, умидли дунё деганларидек, улар меҳмонимиз бўлиб турибдилар. Эртага футболчиларимиз билан майдонга тушадилар. Албатта омад чопаб, футболчиларимиз устун келишлари табиий. Лекин бўш, сусткаш жамоа деб рақибни менсимаслик ҳамиша нохушлик келтирган. Ўйлаймизки, футболчиларимиз катта футболдаги ана шундай ўзига хос ҳолатга эътиборни қаратиб, майдонда янада ҳушёр тўп сурадилар ва ҳужумкорликка зўр берадилар.

БОЛАНИНГ КЎНГЛИ ДАЛАДА, ОНАНИНГ-ЧИ?

Ўт балосидан асрасин

Шу йилнинг ўтган даври мобайнида республикамизда 2297 та ёнғин содир бўлиб, улар келтирган моддий зарар 18 млн. сўмдан ортиб кетган. Ачинарлиси, шу ёнғинларда инсон ҳалок бўляпти ва турли даражада тан жароҳати олишяпти. Хўш, ушбу ҳодиса қандай сабабларга кўра содир бўляпти?

Ёнғинларнинг таҳлилидан шу нарса маълум бўлмоқдаки, улар асосан болаларни уйда ёлғиз қолдириб кетиш, эътиборсизлик ва кўп ҳолларда ота-оналарнинг ўз фарзандларига нисбатан бўлган лоқайдлиги сабабли содир бўляпти. Айримлар фарзандимиз катта бўлиб қолишган-ку, деган хаёллар билан устиларидан қулфлаб, «Худо ўзи асрасин» деб ишга ёки бошқа жойларга чиқиб кетишади. Баъзан ўз қуллари билан фарзандларига тугурт қутисини тутқазиб қўйиб, улардан ўт ёқишни, чой ва овқат пишириб қўйишни буюришади, бошқа турли топшириқлар беришади. Бундай бепарволик эса ота-оналарга қимматга тушиб, хонадонларида ёнғин содир бўлишига, болаларнинг нобуд бўлишига олиб келмоқда.

Мисол тариқасида шу яқин кунлар ичида бўлиб ўтган ушбу далилларни келтириш мумкин.

Шу йилнинг 21 февраль куни Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли шаҳар Абдураҳмонов кўчасидаги 38-уйда яшовчи Б. Отиновнинг хонадонида ёнғин содир бўлган. Натижада уч нафар ёш бола тутундан димиқиб ўлган. Ёнғин сабаби текширилганда хонадон эгалари ўз фарзандларини уйда ёлғиз қолдирганликлари ва носоз газ плитасидан содир бўлган ёнғин оқибатида гўдаклар нобуд бўлганлиги аниқланди.

Навоий шаҳар Ульянов кўчасидаги 161-уйда истиқомат қилувчи Ҳожиев Исматнинг Нарпай жамоа хўжалигига қарашли пудратга олинган ерида жойлаштирилган ёғоч-вагон типидаги уйда ёнғин содир бўлган. Натижада икки норасида гўдак нобуд бўлган. Сабаби, ота-она болаларни ёлғиз қолдириб, бозорга кетганлиги ва қўлбола иситиш мосламаси — ўчоққа олов ёқилиб қаровсиз қолдирилишидир.

Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани, Бўстон кўчаси 159-уйда яшовчи Х. Ёқубовнинг бир яшарлик ўғли уйга ўрнатилган сандал четида қаровсиз қолдирилиши натижасида хонадаги сандалга тушиб кетган ва 2-3 даражали 60 фоиз куйиш жароҳати билан шифохонага ётқизилган. Шифокорларнинг қўлидан келганча қилган ҳаттиҳаракатларига қарамай бегуноҳ гўдак орадан бир кун ҳам ўтмай нобуд бўлган.

Наманган вилояти Косонсой туманида яшовчи Исмоилов Мўйиддиннинг хонадонида ёнғин содир бўлган. Энг ачинарлиси шундаки, ёнғин натижасида яна икки гўдак ҳаётдан бевақт кўз юмган. Гўдакларнинг назоратсиз қолдирилганлиги, қизиб турган иситиш воситаси — ўчоқнинг бевосита яқинида тахлаб қўйилган кўрпаларнинг ағдарилиб тушиши натижасида ёнғин чиққанлиги аниқланди.

Афсуски бундай мисолларни ҳозирги кунда кўплаб келтириш мумкин.

Халқимизда ота-боболаримиздан қолган ажойиб нақллар бор. Булар, «Онанинг кўнгли болада, боланинг кўнгли далада» ва «Кўза кунда эмас, кунида синади». Шундай экан, наҳотки ота-оналар болаларини доимий равишда ёлғиз қолдириш мумкин эмаслигини тушунишмаса. Ахир азал-азалдан оналар кўнгли болада бўлиб, уларни азизлаб, парвариш қилишган. Ҳозирги кунда эса негадир оналар кўнгли «далада» бўлиб қолмоқда.

Тўғри, иш, уй-рўзғор юмушлари, тирикчилик ташвишлари бирмунча вақтимизни олади. Вақтимизни қизғаниб болаларимизга етарлича эътибор бермаймиз. Баъзан ўт чиқиш хавфи бўлган носоз газ, электр ва иситиш асбобларини болаларга ташлаб, фарзандларимизни назоратсиз қолдирамиз. Бугунги кунимиз билан яшаймиз. Бугун ҳеч нарса бўлмади-ку, деб ўзимизни тинчлантирамиз. Ҳа, энди бир нави ишлаб турибди-ку, болаларим ўзи ҳамма нарсани эплаяпти-ку, деб лоқайдлик, ҳафсаласизлик қиламиз. Эртанги кунни ўйламаймиз. Эртанги «кун» келганда эса бўзлаб қоламиз...

Адҳам ЁҚУБОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғиндан сақлаш бошқармаси бошлиғи, ички хизмат полковники.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«ҚУРИЛИШ АШЁЛАРИМИЗ НЕГА БОЗОРБОП ЭМАС?»

«Ўзқурилишматериаллари» концерни раҳбарияти «Ўзбекистон овози» газетасининг 1997 йил 3 апрель сонида босилган «Қурилиш ашёларимиз нега бозорбоп эмас» сарлавҳали танқидий мақолани кўриб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилади:

1996 йил якуни, эришилган натижаларни ва шу билан бирга ислоҳотларни амалга оширишда йўл қўйилган хато ва камчиликларни таҳлил қилиш концерн жамоасининг шу кундаги асосий вазифаси ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан, газетанинг ушбу мақоласини ўта долзарб, ўз вақтида чиққан деб ҳисоблаймиз. «Ўзқурилишматериаллари» концерни корхоналарининг иқтисодий ислоҳотлар ушбу босқичдаги асосий вазифаси бозор талаби ва эҳтиёжларига жавоб берадиган маҳсулотни ўзлаштириш ва ишлаб чиқаришдир.

Мазкур масалани фақат мамлакатимиз ва унга ёндош ҳудудларнинг бозоридаги қурилиш ашёларига бўлган талаб ва эҳтиёжини чуқур ўрганиш ва шу маълумотлар асосида мавжуд қувватларни замонавий технологияга мослаб, техник қайта қуроллантириш ва ихтисосини ўзгартириш билан ҳал қилиш мумкин.

Бу йўналишда концерн корхоналари томонидан муайян ишлар қилинган. Ўтиш даврининг баъзи бир қийинчиликларига қарамай, умуман концерн корхоналари ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмини пасайтириб юбормадилар. Меъморий-қурилиш ойнаси ишлаб чиқариш бўйича янги қувватлар ишга туширилди, немис технологияси бўйича полимербетондан сантехника буюмлари ва жаҳон андозаларига жавоб берадиган итальян ускунасида мармар кошинлар ишлаб чиқариш бошланган.

Республиканинг экспорт потенциалини ошириш мақсадида, «Навоийцемент» ва «Оҳангаронцемент» корхоналарида йилига умумий қуввати 500 минг тонна бўлган цементни қоплаш линиялари ўрнатилди ва чет элга 15,4 млн. АҚШ долларига маҳсулот экспорт қилинди. Худди шундай ускуналар бошқа цемент корхоналарига ҳам ўрнатилмоқда, бу эса ўз навбатида республиканинг цемент экспорти бўйича потенциалини йилига 1 млн. тоннагача оширади.

Бошқа мамлакатлардан хом ашё олиб келиш учун валюта харажатларини камайтириш мақсадида, сўнгги йилларда 18 хил хом ашё тўлиқ ва 10 хили қисман маҳаллийсига алмаштирилди. Бунинг натижасида қарийб 17 млн. АҚШ доллари иқтисод қилиб қолинди.

Вужудга келган аҳволни тубдан ўзгартириш учун концернда тармоқни 1997-2000 йилларда ривожлантиришнинг дастури ишлаб чиқилмоқда. Мазкур дастурнинг ҳаётга татбиқ этилиши республика халқ хўжалигини юқори сифатли қурилиш материалларига бўлган эҳтиёжини қондиради ва рақобатбардош маҳсулот билан ташқи бозорга чиқиш имконини беради.

Шу йўналишда концернинг кўпгина корхоналарида, жумладан мақолада айтиб ўтилганларида ҳам ишлар бошлаб юборилган. Масалан, истеъмолчилардан шикоят тушган Оҳангаронинг «Қурилишпластмасс» акционерлик жамиятида жорий йилнинг март ойида Германиянинг «Эрмафа» фирмаси билан бирга линолеум учун расм туширилган пленка чиқариш бўйича ускуна етказиб бериш ва монтаж қилиш бўйича шартнома кучга кирди. Бу эса ўз навбатида 1998 йилнинг ўрталарига бориб жаҳон андозалари даражасида линолеум чиқаришни ва унинг ассортиментини кенгайтириш имконини беради.

Республиканинг илмий ташкилотлари билан бирга илгари чет элдан олиб келинадиган, линолеум ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган 10 хил кимёвий хом ашё ҳозирда 6 таси тўлиқ ва 2 таси қисман маҳаллийсига алмаштирилди. Бу соҳадаги ишлар давом эттирилянпти.

«Тошкент қурилиш материаллари комбинати» акционерлик жамиятида йилига 650 минг кв. метр қувватга эга қоплама сопол кошинлар ишлаб чиқарадиган Италиянинг «Сити» фирмаси ускуналарини монтаж қилиш ниҳоясига етказилиб, линияни фойдаланишга топшириш бўйича ишга тушириш-созлаш ишлари бошланган.

Маҳсулот ишлаб чиқариш жорий йилнинг апрель ойига мўлжалланган, бу эса истеъмолчиларга шу вақтгача чет эллардан олиб келинган, сифатли қоплама ашёларни ўзимиздан сотиб олиш имконини беради.

Концерн корхоналарининг 98 фоиздан кўпроғи мулкчилик шаклини ўзгартириб, амалда бозор муносабатларининг хусусиятларини билаяптилар.

Бундан буён омборда тахлаб қўйиш учун ишлаш мумкин эмаслигини ва унинг барчаси жамоа аъзоларининг турмуш даражасига таъсир этишини тушуниб етдилар. Бозор талаби ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тури, сифати ва сонини аниқлайди. Бизнинг кўпгина корхоналаримизнинг ишлаб чиқариш қувватлари Марказий Осиё минтақасини таъминлашга мўлжаллангани ва қўшни давлатларнинг иқтисодий аҳволи қийинлашгани сабабли маҳсулотларимизни сотиш бозори қисқарди. Шу сабабли 1996 йили маҳсулотларнинг баъзи бир хилларини ишлаб чиқариш камайди.

Газета мақоласи бўйича концернинг масъул ходимлари жойларга чиқиб, текширув ўтказдилар. Мақола шунингдек, концерн Бошқарувининг Кенгашида корхоналар раҳбарларининг иштирокида муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг «Акционерлик жамиятлари ва акционерларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги» қонунига мувофиқ «Қурилишпластмасс» ва «Тошкент қурилиш материаллари комбинати» акционерлик жамиятларига қуйидагилар тавсия қилинди:

— бир ҳафта муддат ичида йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф қилиш ва корхонанинг молиявий-иқтисодий аҳволини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

— ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш бўйича ва корхонанинг барқарор ишлаши учун керакли хом ашё билан таъминлашнинг зарур чораларини кўриш.

Давлатга тегишли акцияларни бошқариш ҳуқуқи берилган концерн бошқаруви томонидан юқорида номи зикр этилган акционерлик жамиятларининг Кузатиш кенгашларига кўриб чиқиш учун қуйидаги масалалар киритилди;

— агар бир ой муддатда «Сити» итальян линияси фойдаланишга топшириш ижобий ҳал этилмаса, «Тошкент қурилиш материаллари комбинати» акционерлик жамияти бошқаруви раиси А.Ҳайтановни ва бош муҳандис О.Крештелни эгаллаб турган лавозимидан озод этиш;

— агар маҳсулот сифатини яхшилаш бўйича зарур чоралар кўрилмаса, «Қурилишпластмасс» акционерлик жамиятининг бош муҳандиси Э.Акромовни эгаллаб турган лавозимидан озод этиш.

Кўрилган чора-тадбирларнинг ижроси концерн Бошқарувининг навбатдаги йиғилишида қайтадан кўрилади.

Концерн бошқарувининг раиси А. ИБОБЕКОВ.

☑ *Албания — Македония чегарасидаги отишмада БМТ тинчликни сақловчи кучлари вакили яраланди.*

* * *

☑ *Киев шаҳрида Украина ва Польша ўртасида ярашув ҳақидаги декларация имзоланди.*

* * *

☑ *Егор Гайдар раҳбарлик қилаётган «Россия демократик сайлови» партиясининг Санкт-Петербург шаҳрилик вакиллари Россия ва Белорусь ўртасидаги иттифоқнинг имзоланишига қарши фикр билдирмоқдалар*

* * *

СИЁСИЙ ИҚЛИМ

☑ *Россия Президентининг НАТО кенгайиши муаммолари бўйича Болтиқбўйи мамлакатларига нисбатан айтган гаплари Эстонияда вазминлик билан қабул қилинди, деб баёнот берди Эстония Бош вазири.*

* * *

☑ *Буюк Британиянинг Грузиядаги элчиси расмий ташриф билан Абхазияга келди.*

* * *

☑ *Испанияда халқаро ривожланиш ассоциацияси конференцияси бошланди.*

* * *

☑ *Брюссель шаҳрида Европа Иттифоқи билан Россия ўртасида ҳамкорлик ва шериклик ҳақидаги келишув протоколи имзоланди.*

* * *

☑ *Болгариянинг янги Бош вазири Иван Костов Халқ йиғилиши депутатларига мамлакатни чуқур иқтисодий инқироздан олиб чиқиш дастурини тақдим этди.*

ҚОРА ДОРИ САВДОСИДАН ТУШАЁТГАН ДАРОМАД «ТОЛИБОН»ЧИЛАРНИНГ РИЁКОРЛИГИНИ ФОШ ЭТАДИ

Кўкнори далалари Қандаҳорнинг чекка ҳудудларидан бошланади. Бу ерда ҳосил ҳеч қачон бу йилгидек мўл бўлмаган эди ва у йиғиб олишга тайёр. Келаётган ойда Афғонистон Британия бозорига 80 фоиз кучли гиёҳванд моддаларни, қолган қисмини эса Европага йил давомида етказиб бериш учун етарли қора дори хом ашёсини етиштиради. Буни ҳеч ким тўхтата олмайди.

Мамлакат жанубидаги Қандаҳор шаҳри қўнгилли лашкарлар гуруҳлари Ислом давлатининг учдан икки қисмини назорат қилиб турган «Толибон» ҳаракатининг қароргоҳи ҳисобланади. Толибончилар афғонистонликларни гиёҳванд моддаларни истеъмол қилганлик учун шафқатсиз жазолайди, бироқ чет эл бозорлари учун ишлаётган гиёҳванд моддалар етиштирувчи улкан тизимни рағбатлантиради. Афғонистон яна бир дунё миқёсидаги ишлаб чиқарувчи — Бирма сингари кўп миқдорда қора дори ҳам етиштиради. Бу иккала давлат гиёҳванд моддалар савдосида етакчилик қилади ва бу борада дунёни иккига бўлиб олишган. Европа Афғонистонга, Америка Қўшма Штатлари эса Бирмага тегишли.

«Толибон»нинг кучли гиёҳванд моддалар етиштиришга қарши курашаётгани ҳақидаги таъкидлари ошкора ёлғондир. Уларнинг тарки дунё қилган бир кўзли раҳнамоси мулла Муҳаммад Умар Қандаҳордаги ўз қароргоҳи мажмуидан энг яқин кўкнори далаларига ўн дақиқада етиб олади. Ҳар бир килограмм (2.2166) қора дори хом ашёси учун «Толибон»чилар ўн фоиз закот, яъни сунний мусулмонларнинг солиғини соладилар. «Толибон»чилар назорат қилаётган жанубий, шарқий ва ғарбий ҳудудларда кўкнори ўстирувчи 250.000 фермер мавжуд ва уларнинг ҳаммаси ҳеч қандай жазо ва жавобгарликка тортилмай фаолият кўрсатади. Ислом қўшинлари гиёҳвандлик моддалари жуда кўп истеъмол қилинаётгани учун наша етиштиришни тақиқлаб қўйди, қора дори ва героин (кучли гиёҳванд модда) эса ҳеч қачон афғонлар маданияти ёки анъаналарининг таркибий қисми саналмаган.

Баъзи бир қора дори истеъмол қилувчиларни суви совуқ тоғ шаршараси тагида бир неча соатгача туришга мажбур этиб жазолашар ёки халойиқ кўзи ўнгида қамчи билан савалашарди. Аммо қаттиқ гиёҳвандлик воситалари, бугунги жамияти бундай нарсалардан четда турган қўшни Покистондаги каби, ҳеч қачон аҳамиятга молик ижтимоий муаммо саналмаган. «Толибон» ҳаракати кўкнори етиштиришга шунинг учун ҳам рухсат берадики, уни тақиқлаш миллионлаб афғонистонликларни қаттиқ иқтисодий қийинчиликлар гирдобига ташлаши мумкин ва бу ислом армиясига қиммат-га тушади, уни даромад ва машҳурликдан маҳрум этади.

«Толибон»нинг халқаро миқёсда қораланишдан эҳтиёт бўлишидан бўлса керак, агар шундай бўлса, адад-оқибатда уни етиштириш тақиқланади, кейинги тўрт ойда қора дорининг баҳоси тўрт марта кўтарилди. БМТнинг гиёҳванд моддаларни назорат қилиш Дастури ҳосилни йўқ қилиш лойиҳасини ишлаб чиқишга интилмоқда, лекин бу узоқ муддатга мўлжалланган, ўзлари истеъмол қилиш учун ғалла ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ҳам етиштиришади. Кўкнори эса пировардида афзал даромад келтиради. У кўп суғорилмайди, ёмон тупроқда ҳам ўсаверади, касалликларга ҳам чалинмайди. Ушбу мавсумда фермерлар қора дори хом ашёсининг ҳар бир килограмми учун 5.500 Покистон рупийси оладилар. Бу эса ўртача фермер учун салмоқли даромаддир.

Харидорлар, кўпинча Эрондан тўғри далаларга келишади. Қора доридан морфий (кўкнори ширасидан олинадиган модда) ва героин (кучли гиёҳванд модда) олиш тез ҳамда оддий жараён бўлиб, бунинг учун кимёвий иккита дори ва бир нечта махсус идиш зарур бўлади. Расмий раддияларга қарамай, гарчи муайян ҳукуматсиз мамлакатда мавжуд бўладиган катта муаммолар билан боғлиқ мақсаддир. Даромад манбаи сифатида кўкнори билан таққослаганда мевали дарахтлар янада истиқболлироқ, бироқ уруш даврида кўпгина мевали боғлар ер билан яксон бўлиб кетди.

Кўкнори етиштириш билан шуғулланадиган барча фермерлар сотиш ва миқдори Покистоннинг қабилавий ҳудудларида ишлаб чиқилса-да, катта қисми Афғонистонда қайта ишланади. Тайёр бўлган маҳсулот Марказий Осиё ва Туркия орқали Европага келади. Айримлари Эрон орқали ўтади. Эрон мураккаб қуролларга, ҳатто «Стингер» гуруҳидаги ракеталарга эга бўлган гиёҳванд моддалар билан савдо-сотиқ қиладиган тижоратчиларга қарши келишиб, бироқ суст даражада кураш олиб бормоқда.

Қандаҳордан ўн мил нари бўлган жойда Аҳмад Гул исмли киши ўзининг кичик ер бўлагида кўкнори далаларини қўздан кечирмоқда. «Ислом гиёҳванд моддаларни тақиқлаганини биламиз, аммо биз жуда қашшоқмиз», — дейди у.

«Бизнинг еримиз, бизнинг халқимиз уруш йилларида хароб бўлди. Миллионлаб афғонистонликлар ҳалок ёки бадарға бўлишди. Ҳозирги пайтда биз кўкнори етиштиришга мажбурмиз». Аҳмад Гул Европа ва Америкадаги гиёҳвандларга ачинишини айтади. «Қачондир биз буни тўхтатамиз. Эҳтимол, бошқа йўл — чора ҳам бордир. Аммо биз яшашимиз керак».

Кристофер ТОМАС,
(Қандаҳордан хабар қилди).
«Таймс», 1997 йил 6 май.



ЯПОНИЯ КЎЧАЛАРИДА. С. ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.

МИСЛИ ТИМСОҲ ИШТАҲАСИ

АҚШнинг Мэн штатида яшовчи 13 ёшли Камилла Дефарж исмли, кўринишдан мулойим ва хушбичим қизалоқ ўзининг балиқхўрлиги билан юртдошлари оғзига тушди. Гап шундаки, Камилла балиқни хом тарзда, ҳеч қандай тозаламасдан, бус-бутун ейишни хуш кўради. Қарангки, у еган балиқни организми ҳам ҳеч қандай тўсиқсиз ҳазм қилиб юбораверади. Уни текшириб кўрган тиббиётчиларнинг гувоҳлик беришларича, қизалоқнинг ошқозон соки ўта кучли фаолият кўрсатиб, ҳатто балиқ суякларини ҳам тез ҳазм қилишига сабабчи бўлар экан.

Хориж газетаси ёзади

МАҚСАД — РЕКОРД ҚЎЙИШМИ?

«Таймс» газетасининг ёзишича, Американинг Техас штати ўлимга ҳукм қилинганлар миқдори бўйича рекорд натижаларни эгаллаб турибди. Фақат ўтган ҳафта ичида ўлим жазосига 4 нафар судланган шахслар ҳукм этилган. 1995 йилда суд қарори бўйича энг олий жазога 19 киши ҳукм этилган бўлса, шу йилнинг 4 ойи мобайнида эса 12 нафар киши бундай жазога маҳкум этилди. Кейинги ой ичида Техас суди яна 7 нафар айбланувчини шундай жазога ҳукм этиши кутиляпти. Айбланувчиларга нисбатан Техас судининг бундай тарздаги оғир муносабатлари сабабини «Таймс» мухбири тушунтиришга ҳаракат қилмайди. У фақат Техас судининг ноанъанавий усул билан балки «Гиннеснинг рекордлар китоби»га кириш истаги борми-кин, деб тахмин қилмоқда.

☑ *«Ассошиэйтед пресс» газетасининг хабарига кўра, Буюк Британия МИ-5 хизмати контрразведкаси бутун тарихи давомида биринчи марта газетада кадрлар йиғиш ҳақида эълон берган. Гап шундаки, 1989 йилгача Буюк Британия ҳукумати МИ-5 маҳфий хизмати борлигини инкор этиб келган эди. Эълонда номзодларнинг давлат ва ҳатто халқаро миқёсдаги масалалар билан боғлиқ ташкилотларда ишлаши кафолатланади. Номзодлар Буюк британиялик бўлишлари шарт. Иш ҳақига келсак «катта бўлмасада яхши ҳақ тўланиши» айтилган. «Совуқ уруш» даврида мазкур хизмат собиқ СССР ва унинг иттифоқчилари фойдасига хизмат қилган айғоқчиларга қарши курашган. Эндиликда эса унинг вазифаси Ирландия Республикачилар Армияси террорчилари, наркотик*

ЖАҲОН ВА МАТБУОТ

моддалар контрабандаси ва уюшган жиноятчиликка қарши курашишдан иборат.

* * *

☑ *«Рейтер» агентлигининг хабарига кўра, Жанубий Корея ҳокимият органлари коррупцияда гумон қилинаётган 70 дан зиёд юқори лавозимли шахсларга нисбатан тергов олиб бормоқда. Ўз исмини айтишни хоҳламаган ҳуқуқ-тартибот органлари вакили агентлик мухбирига берган интервьюсида, гумон қилинаётган шахслар орасида ҳозирги Вазирлар Маҳкамасининг бир неча аъзолари, уларнинг ўринбосарлари, шунингдек, маҳаллий ҳокимият органи раҳбарлари ҳам борлигини айтган. Кейинги чоғда Жанубий Кореяда юқори лавозимли шахслар орасида жиноят даражаси ошиб бораётганлиги кўпчиликка маълум. Эсингизда бўлса, бундан бир оз муддат илгари икки собиқ Президентлар Чон Ду Хван ва Ро Де У фитна, коррупция ва давлатга нисбатан хиёнаткорликда айбланиб умрбод қамоқ жазосига ҳукм этилган эди. Ўтган ҳафтада эса ҳозирги Президент Ким Ен Самнинг ўғли қамоққа олинди.*

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 26

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.30 «Ҳафтанома».
*
8.30 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Бастакор Мухторжон Муртазоев».
9.05 «Замин фидойилари». Тележурнал.
9.30 «Алдар Кўса». Мультфильм.
9.45 «Табиат шайдолари».
10.00 Янгиликлар.
10.05 Абдулҳамид Чўлпон. «Асорат». Йўлдош Охунбобоев номидаги Республика Ёш томошабинлар театрининг спектакли.
11.55 «Шифокор экрани».
12.25 «Дил тароналари». Фильм-концерт.
12.40 «Қуюшқондан чиққанда». Бадиий фильм.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Қўнғироқча».
18.30 «Спорт. Спорт. Спорт».
19.00 «Шарқ тароналари».
19.15 «Тамойиллар».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Адолат». Ҳуқуқий-публицистик кўрсатув.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Тўртинчи ҳокимият».
21.20 Маънавият. «Оҳанглардан таралган меҳр».
21.40 «Япония ҳақида ҳикоялар».
22.00 XII Тошкент Халқаро кинофестивали. «Муштарак диллар экрани».
22.40 «Морена Клара». Телесериал.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.15—00.20 «Ватан тимсоллари».
II
18.00 XII Тошкент Халқаро кинофестивали кундалиги.
18.15 Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Спорт китъаси».
18.45 «Тулпор».
19.00 «Мак ва Матли». Қизиқарли дастур.
19.20 «Услуб».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 XII Тошкент Халқаро кинофестивали кундалиги.
21.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.30 «Кинонигоҳ».
22.30 «Бебаҳо лаҳзалар».
22.40 «Спорт китъаси».
23.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
III
17.15 Янгиликлар.
*
17.20—20.40 Россия жамоат телевиденияси.
*
20.40 «Кругозор». Тележурнал.
*
21.00—21.30 Россия давлат телевиденияси.
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Мулоқот». Қисқа метражли бадиий телефильм.
22.05—22.25 «Ахборот» (рус тилида).
IV
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Кўрсатувлар анонси.
18.50 «Мультқарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.35 «Британия кундалиги».
20.05 «Жаҳон».
20.25 «Ҳайр, мактаб!».
20.40 «Сўз — сизга».
20.55 «Авторейд».
21.05 «Ракурс».
21.35 «Спорт-тайм».
22.05 Эълонлар.
22.10 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал.
23.00 «Гўзаллик ва мангулик ҳақида».
23.20—23.50 «Замандас».

СЕШАНБА, 27

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Гулла, яшна, Она-Ватаним». Фильм-концерт.
8.55 Биржа ва банк хабарлари.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Меҳр нури».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Инглиз тили.
11.00 «Абитуриент-97». Тест синовларига тайёрмисиз?
*
11.30 «Катта танаффус» янгиликлари.
11.50 «Бугуннинг ўйлари». Публицистик кўрсатув.
12.10 «Қизиқарли учрашувлар».
12.40 «Лўли». Бадиий фильм.
14.00 Янгиликлар.
14.05—14.35 «Сирли сандиқ». Телевизион ўйин.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Қўнғироқча».
18.30 «Спорт. Спорт. Спорт».
19.00 «Шарқ тароналари».
19.15 «Тамойиллар».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Адолат». Ҳуқуқий-публицистик кўрсатув.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Тўртинчи ҳокимият».
21.20 Маънавият. «Оҳанглардан таралган меҳр».
21.40 «Япония ҳақида ҳикоялар».
22.00 XII Тошкент Халқаро кинофестивали. «Муштарак диллар экрани».
22.20 «Пардали гап».
22.50 «Замон».
23.00 «Альманах ТВ».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.15—00.20 «Ватан тимсоллари».
II
18.00 XII Тошкент Халқаро кинофестивали кундалиги.
18.15 Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Авлодимиз».
18.45 «ТВ плюс...»
19.00 «Олтин кент».
19.15 «Мусиқий шарҳ».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 XII Тошкент Халқаро кинофестивали кундалиги.
21.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.30 «Кинонигоҳ».
22.40 «Бебаҳо лаҳзалар».
23.10 «Спорт китъаси».
23.35 «Ишбилармонлар ҳафтаси».
23.50 — 00.10 «Акс».
III
17.15 Янгиликлар.
*
6.30—8.00, 17.20—20.40 Россия жамоат телевиденияси.
*
20.40 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Самога йўл». Премьера.
*
21.00—21.30 Россия давлат телевиденияси.
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Кабутарлар — муҳаббатим менинг». Телекўрсатув.
22.05—22.25 «Ахборот» (рус тилида).
IV
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Кўрсатувлар анонси.
18.50 «Мультқарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.35 «Британия кундалиги».
20.05 «Жаҳон».
20.25 «Ҳайр, мактаб!».
20.40 «Сўз — сизга».
20.55 «Авторейд».
21.05 «Ракурс».
21.35 «Спорт-тайм».
22.05 Эълонлар.
22.10 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал.
23.00 «Гўзаллик ва мангулик ҳақида».
23.20—23.50 «Замандас».

ЧОРШАНБА, 28

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Маънавият. «Оҳанглардан таралган меҳр».
8.45 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Ҳунари бор, хор бўлмас».
9.05 «Алпомиш авлодлари». Миллий кураш.
9.40 «Инсон манфаатлари йили».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Дорбозлар». Кўқон шаҳридаги дорбозлар ва қўғирчоқ театрлари фестивали.
10.25 Янги алифбони ўрганамиз.
10.55 «Самсон ва Салли». Мультфильм.
11.55 «Изланиш самаралари».
12.25 «Шарқ тароналари».
12.40 «Бувам, Килиан ва мен». Бадиий фильм.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Ўйқу салтанати». Мультфильм.
18.20 «Бу ёруғ оламда Ватан битгадур...».
18.25 Дилнавоз садолар.
18.35 «15 дақиқа спорт ҳақида».
18.50 «Замон билан ҳамнафас».
19.05 «Тасаввур олами».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Қалқон». Ҳуқуқий-публицистик кўрсатув.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 Дилнавоз садолар.
21.35 Бухоронинг 2500 йиллигига. «Бухорои Шариф».
22.00 XII Тошкент Халқаро кинофестивали. «Муштарак диллар экрани».
22.20 «Автоолам».
22.40 «Морена Клара». Телесериал.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.15 — 00.25 «Ватан тимсоллари».
II
18.00 XII Тошкент Халқаро кинофестивали кундалиги.
18.15 Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Классик куйлар кечаси».
18.55 «Спорт китъаси».
19.05 «Дойче-Велле» тақдим этади...
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 XII Тошкент Халқаро кинофестивали кундалиги.
21.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.30 «Кинонигоҳ».
22.55 «Зерикмай десангиз».
23.05 «Спорт китъаси».
23.25 — 00.15 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
III
17.15 Янгиликлар.
*
6.30—8.00, 17.20—20.40 Россия жамоат телевиденияси.
*
20.40 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури.
*
21.00—21.30 Россия давлат телевиденияси.
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Шарқ тароналари». Мусиқашуносларнинг халқаро симпозиуми.
21.55—22.15 «Ахборот» (рус тилида).
IV
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Ирэндек».
20.00 «Спортлото».
20.10 «Азизим».
20.40 «Таклифлар ва ташрифлар».
21.10 «Автосалтанат».
21.20 «Тошкентнома».
21.50 «Бу ажиб дунё».
22.10 Эълонлар.
22.15 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал.
23.05—23.55 «Экстремал ўйинлар».

ПАЙШАНБА, 29

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Исмоил Жалилов куйлайди». Фильм-концерт.
8.55 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 Алифбо сабоқлари.
10.35 «Кичкинтой устахонаси».
11.00 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Қизиқчи».
11.35 «Истиқболга интилиб». Публицистик кўрсатув.
11.55 А. С. Пушкин. «Олтин балиқча». Хоразм давлат кўғирчоқ театрининг спектакли.
12.35 «Эдгар ва Кристина». Бадиий фильм.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Катта танаффус». Сўнгги кўнгирок. Шоу дастури.
18.50 Дилнавоз садолар.
19.05 «Билиб қўйган яхши».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юзма-юз».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Иймон».
21.40 «Одамлар орасида».
22.00 XII Тошкент Халқаро кинофестивалининг тантанали ёпилиши. Халқлар Дўстлиги саройидан кўрсатилади (эзиб олинган).
22.40 Мақом кечаси.
23.10 «Мутойиба». Пайшанба ҳазиллари.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.15 — 00.20 «Ватан тимсоллари».
II
9.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.15 «Спорт китъаси».
9.25 «Тулпор».
9.40 «Мак ва Матли». Қизиқарли дастур.
10.00 «Услуб».
10.05 «Бебаҳо лаҳзалар».
10.15 «Олтин кент».
10.30 «Мусиқий шарҳ».
10.40 Ишбилармонлар ҳафтаси.
10.55 «Акс».
11.15 «ТВ плюс...»
11.30 Фортепиано дуэтлар фестивали. 1-қисм.
11.45 «Зерикмай десангиз».
11.55 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
12.15 — 14.05 «Кинонигоҳ».
* * *
18.00 XII Тошкент Халқаро кинофестивали кундалиги.
18.15 Бугун пайшанба дастурида.
18.20 Эълонлар.
18.25 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.40 «Сувости дунёси».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
21.40 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
22.00 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10 «Кинонигоҳ».
23.40 XII Тошкент Халқаро кинофестивали кундалиги.
23.55 — 00.15 «Спорт китъаси».
III
17.15 Янгиликлар.
*
6.30—8.00, 17.20—20.40 Россия жамоат телевиденияси.
*
20.40 «Гав лакабли мушукча», «Ялқов қизча». Мультфильмлар.
*
21.00—21.30 Россия давлат телевиденияси.
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Панд еди». Бадиий фильм (АҚШ).
23.15—23.35 «Ахборот» (рус тилида).
IV
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.55 «02» тўлқинида.
20.10 «Минг бир маслаҳат».
20.30 Эълонлар.
20.35 «Эльдорадо». Телесериал.
21.05 «Жаҳон дурдоналари».
21.35 «Каталог».
21.45 «Коктейль плюс».
22.15 «Интер-спорт».
22.25 «Эллада».
22.50 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
23.20—23.35 «Компьютер-ревю».

ЖУМА, 30

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Ёшлар ҳиром айлаганда». Фильм-концерт.
8.55 «Юзма-юз».
9.15 Кураш. Осиё ўйинлари олдидан.
9.30 «Оламни асранг».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Юрт таянчлари». Публицистик кўрсатув.
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Немис тили.
11.00 «Абитуриент — 97». Тест синовларига тайёрмисиз?
11.30 «Насримиз уфқлари».
11.50 «Оромгоҳлар мавсумга шайми?».
12.35 «Пан Кляксанинг саёҳати». Бадиий фильм. 1-серия.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 15.20 «Пан Кляксанинг саёҳати». Бадиий фильм. 2-серия.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Митти юлдузлар».
18.30 «Соғлом авлод учун».
18.50 Бизнес ҳафта якунлари.
19.00 «Синфдош». Сўнгги кўнгирок.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Қишлоқ ҳақида ўйлар». Публицистик кўрсатув.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Иқтисод алифбоси».
21.30 «Ривоят».
21.40 Хиванинг 2500 йиллигига. «Меҳр макони». 1-қисм.
22.00 «Эртага — шанба».
22.15 «Хуш келибсиз».
22.30 «Морена Клара». Телесериал.
23.15 Дилнавоз садолар.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Ринг».
00.15 Тунги тароналар.
00.25 — 00.30 «Ватан тимсоллари».
II
9.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.15 «Кўзмунчоқ».
9.35 «Кулги дарғалари». Чарли Чаплин.
9.50 «Дубляж».
10.10 «Олтин кент».
10.25 «Жозиба».
10.40 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
11.05 Видео — «О».
12.35 — 13.05 «Спорт китъаси».
* * *
18.00 XII Тошкент Халқаро кинофестивали кундалиги.
18.15 Эълонлар.
18.20 «Бор экан-да, йўқ экан...»
18.40 «Телевидение ва театр».
19.00 «XXI аср авлодлари».
19.20 «Бугун кино оқшомида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Сизлардан ишорат». Мусиқий дастур.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 XII Тошкент Халқаро кинофестивали кундалиги.
21.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.30 «Кинонигоҳ».
23.10 «Ханда дўкони».
23.30 — 00.20 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
III
17.15 Янгиликлар.
*
6.30—8.00, 17.20—20.40 Россия жамоат телевиденияси.
*
20.40 «Мусиқа ҳамма учун».
*
21.00—21.30 Россия давлат телевиденияси.
*
21.30 Эълонлар.
21.35 Футбол. Йил матчи. Финал. Чемпионлар лигаси. «Боруссия» (Германия) — «Ювентус» (Италия). Эзиб олинган.
23.05—23.25 «Ахборот» (рус тилида).
IV
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Умид чечаклари».
20.00 «Олам ва одам».
20.25 «Маънавият ва Ислом».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Эльдорадо». Телесериал.
21.25 «Қанотлар».
21.45 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
22.15 «Жума куни, ишдан сўнг».
22.55—23.25 «Рангинкамон».

ШАНБА, 31

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Насиба». Фильм-концерт.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
«Ёшлик» студияси намойиш этади:
10.00 «Мулоҳаза, мунозара, муносабат».
10.25 «Ҳангома».
10.40 «Ёшлар ва замон».
11.15 «Хотира». Ўзбекистон халқ артисти Ҳ. Наримонов.
11.40 Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни олдидан. «Оналар мактаби».
12.10 «Янги кун». «Гомоюна» болалар-фольклор этнографик ансамблининг концерти.
13.10 — 14.35 «Ёввойи оққушлар». Бадиий фильм.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Олам нурга тўлаверсин». Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни олдидан.
18.35 «Бир қўшиқ тугагунча».
18.55 «Исмлар тарихи».
19.05 «Ҳайрат».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 Рақслар гулдастаси.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Ўзбекистоннинг янги тарихи».
21.30 Дилнавоз садолар.
21.40 «Бизнес-академия».
22.00 XII Тошкент Халқаро кинофестивалининг якунларига доир. «Муштарак диллар экрани».
22.30 Диққат, премьера: Ю. Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 35-қисм.
«Тунги ёғду».
Дам олиш дастури:
23.05 «Мусиқий саёҳат».
23.25 Жаҳон киноси юлдузлари. Ал Пачино.
23.45 «Сени севдим». Бадиий фильм. 1—2-сериялар (Ҳиндистон).
II
9.00 «Бор экан-да, йўқ экан...»
9.20 «Телевидение ва театр».
9.40 «XXI аср авлодлари».
10.00 «Сизлардан ишорат».
10.30 «Ханда дўкони».
10.50 «Кинонигоҳ».
12.30 — 13.30 «Спорт китъаси».
* * *
18.00 «Даракчи».
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.30 «Кўзмунчоқ».
18.50 «Ҳавас ТВ».
19.10 Қўшиқлар жилоси.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дармон».
20.10 «Жозиба».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
«Шанба оқшоми».
Дам олиш дастури:
21.00 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
21.25 «Спорт китъаси».
21.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10 «Яширинадиган жой йўқ». Ўткир сюжетли детектив фильм.
23.50 — 24.00 «Даракчи».
III
18.00 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
18.05—21.40 Россия жамоат телевиденияси.
*
21.40 Эълонлар.
21.45 «Янги қасоскорлар». Телесериал (Англия).
22.35—22 50 «Сополда акс этган дунё». Манзарали телефильм.
IV
9.00 «Аэробика».
9.20 Кинонинг олтин асри. «Уч мушкетёр». Бадиий фильм.1-серия.
10.55 Эълонлар.
11.00 Шанба эртаги.
12.00 «Учувчи шифокорлар». Телесериал.
12.45 «КВН-97».
14.15—14.45 Корейс тилини ўрганамиз.
* * *
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.55 «Шанба оқшомида».
20.05 «Тақдирлар».
20.35 «Спектаклдан сўнг».
21.00 Эълонлар.
21.05 «23-Ниссан». Туркияда Халқаро болалар фестивали.
21.35 «5 дақиқа ўзинг учун».
21.40 «Эсдалик учун дастхат».
22.10 Кинонинг ол

Тошкентда XII Халқаро кинофестиваь давом этмоқда. СУРАТЛАРДА: анжуман меҳмонлари. С. ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар.

НАСИҲАТ

Насиҳат айлайин,
келмасин малол,
Эй дўстим, динингни
яхши билиб ол!
«Қайси диндансан?»
деб берсалар савол,
«Ислом динида» —
деб айттил бемалол.

Устунсиз айвон йўқ,
мен сенга айтсам,
Беш устун биландир
ислом дини ҳам,
Бешовин ўзингга қилиб
олсанг жам,
Бу дунё-у дунё бўлмассан
ҳеч кам.

Биринчи: Худони
якка-ёлғиз бил,
Муҳаммад-пайғамбар,
қулоғингга ил,
Шу сўзни ошкора
айтиб берсин тил,
Ҳақиқат — шу, дея
тасдиқласин дил

Шеър ва шуур

Иккинчи: намозни
қилмагин канда,
Ўзингни худога деб
билгил банда,
Намозни тарк қилма
жон турса танда,
Намозни тарк қилма
бўлсанг ҳам жангда!

Учинчи: келганда моҳи
рамазон,
Уйғонгил бомдодга
айтилмай азон,
Рўза тут, оромин
олсин ошқозон,
Шу билан раббингнинг
ишончин қозон.

Тўртинчи: бойлигинг
жамланса тўп-тўп,
Ейишдан ортсаю
бўлиб кетса кўп,
Сўрмаса оиланг
бегонадан чўп—
Ҳажарул-асвадни
зиёрат қил, ўп

Бешинчи: бойликни
берса худойим
Камбағал, етимга
бўлгин мулойим,
Уларга молингдан
закот бер доим,
Шунда сен исломни
қиларсан қоим!

Отабек САФАР ўғли БОҚОНИЙ.
Иштихон тумани, Боқон қишлоғи.

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 24-may, shanba № 60 (22.144).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ,
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,
Азиз НОСИРОВ,
Одилжон ОЛИМЖОНОВ,
Ислом ШОҒУЛОМОВ,
Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
Салим АШУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Виктор ЗВЕРЕВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»),
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 33-07-20.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 33-47-80.
факс — 33-54-55.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир А. РЎЗИЕВ, навбатчи Э. ЭСИРГАДИЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматида 33 824 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0282

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.30.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

ЧЎЛПОННИНГ ИЗДОШИ ЭДИ...

Инсон хотираси азиз

Чўлпон шеърларини ўқиш нари турсин, ҳатто номини тилга олганларни миллатчига чиқарадиган бир замонда Асқар Қосим ўзига тенгдош ёки ёшроқ қаламкашларга Чўлпон ижодини тарғиб қилар, ишонган дўстларига унинг бир папка шеърларини ўқишга бериб турарди. Ўзи эса бу улуғ шоирнинг ижодини синчиклаб ўрганганлиги, гап-сўзларидан ҳам, шеърларидан ҳам кўринар, ҳаммамизнинг ёзганларимизга талабчанлик билан баҳо берадиган Маҳмуд Саъдий эса гоҳ-гоҳ Асқарга ҳазиломуз «қалай, Чўлпоннинг давомчиси?» деб қўяр-ди. Энди чуқурроқ ўйлаб кўрсак, Маҳмуд аканинг шоир ҳақидаги фикрларида асос ҳам бор экан.

Аввало, Асқар мазмун нуқтаи-назаридан Чўлпон каби миллатпарвар шоир эди. Юқорида қисман кўриб ўтганимиздай, унинг жуда кўплаб шеърларида миллий зиёлиларнинг орзу-ўйлари, фикр-туйғулари акс этганди. Чўлпон халқнинг уйғониши, ўз ҳақ-ҳуқуқлари учун курашиши тарафдори эди. У ўзининг баъзи шеърларида («Кишан», «Созим») ҳақли рамзлар орқали сўзласа, баъзиларида фикрларини чет эл воқеаларига боғлаб ифодаларди. Унинг «Бўғозлар масаласи», «Улуғ Британиянинг бу кунги ҳокимиятига» шеърларини эсласак бунга амин бўламиз.

Асқар Қосим ҳам, юқорида қисман эслатганимиздай, шеърларига турли сарлавҳалар қўяр, чет элда яшаётган шоирларнинг исмларини сарлавҳага чиқарар, мавзуни гўё хориждан олгандай, турли усуллар қўлларди. Аммо шеърлар асос эътибори билан Узбекистон ҳаётига, фикр-туйғулар эса шоирнинг ўз касби корига алоқадор бўларди.

Унинг «Чўлпон шаклда катта ўзгаришлар қилган шоир», деб гапиришида ҳам чуқур маъно бор экан. У улуғ шоирнинг шеърни ишлаш техникасини обдон ўрганганлиги, баъзан бу шаклларни ўзи ҳам қўллашга интилишидан билса бўлади.

Чўлпоннинг ашаддий мухлиси ва ғойибона шогирди бўлган Асқар Қосим худди эркпарвар шоирнинг машҳур шеъри «Ойдан-да гўзал»дан фойдаланиб, мутлақо янги фикр-туйғуларни илгари сурувчи «Ўттан кунлар»ни варақлаганда» шеърини ёзди:

Бир ўқиб пайқадим
китобнинг сеҳрин,
Энди ишқ сирлари
қаршимда аён.
Кумушга жўр урган
Отабек меҳрин,
Муҳтарам Жулқунбой
айлабди баён.

Иккала шайдо ҳам
романда зебо!
Сирлашса ям-яшил
чаманда зебо!

Бу ерда вазн, бугин тенглиги билан бирга шаклий ўхшашлик ҳам бор. Шеърнинг бандлари ҳам Чўлпон шеъридаги каби бир-бирига уйқаш икки қатор билан якунланади.

Ёки Чўлпоннинг «Бинафша» деб аталган шеърини олайлик. У шундай бошланади:

Бинафша сенмисан сенми.
Кўчада ақчага сотилган?
Бинафша менманми,
бинафша менми.
Севгинга, қайгунга
тутилган?

Шоир қаҳрамонининг Бинафшага муҳаббати, уни оёқ остига қилганларга нафрати аён сезилиб туради. Шеър охирида: «Бинафша йиғлама, бинафша кел бери! Қайгунгни қайгумга қўшгил. Бинафша, сен учун кўкрагим эрк ери. Бу ерда кўкларга учгил», дейди. Бинафша тимсолида шоир Узбекистонни — қадим Туронни кўзда тутади. Асқар Қосимнинг бу асарни эсга соладиган иккита шеъри бор. Булардан бири «Танбурим», иккинчиси «Узилган чечаклар» деб аталади. «Танбурим»да Асқар Қосим мазмунан «Бинафша»ни такрорламайди. Бу шеърга уша турғунлик замонида) Чўлпоннинг: «Авлодлар яралур ўйлашларимдан» мисрасини эпиграф қилиб олган шоир шундай мисралар тизади:

Танбурим мунисми, танбурим дўстми,
Нимага қўлимдан тушмайди?
Танбурим ожизми, танбурим сустми,
Навоси баландроқ учмайди.

Чўлпоннинг юқоридаги шеърларидаги оҳанг ва ҳижолар ушбу шеърга ҳам кўчган. Аммо мазмун бутунлай ўзга. Унда шоир: «Овоздор, олғирроқ шовқунлар» ўзининг майин товушига, яъни миллий руҳ билан суғорилган ижодининг таралишига тўсқинлик қилаётганини сўзлайди. «Бад унлар учоғон, дилрабо куйларга йўқ қадр» деб ҳасратланади. Сунг карнаю ноғора садоси танбурнинг овозини босиб кетаётганидан хафалигини айтиб хулоса қилади:

«Танбурим, нолима, сун
бўйин.
Ўзингсан ғамгузор ҳилватда
Чалайлик «Муножот», «Роз»
куйин,
Эшитган эшитар албатта»

дейди.

Иккинчи шеърда биз ўзгачароқ ҳолатни кўрамиз. У шундай бошланади: «Сув узра раъноми, сув узра гулми? Майлини оқимга топширган.



Чиндапам дарёми, чиндапам сувми, бир даста чечакни гирдобда шопирган?» Асқар назарида ҳам худди Чўлпондаги каби гул тимсоли юртимизни англатади. Оҳангда ҳам, вазн ва айрим ташбеҳларда ҳам (масалан, гул образи ва унинг ҳолатида) уйғунлик бор. Аммо нега шоир бу икки хил уйғунликка йўл қўйди? Бу поэтик таъсирланишдан кўра поэтик такрорга ўхшаб кетмаяптими? Маълум маънода шундай. Аммо бунинг сабаблари бор: юқорида қисман айтилганидек, 60-80 йилларда Чўлпоннинг шеърларини чоп этишгина эмас, у ҳақда гапириш ҳам қийин эди. Бир пайтлар Муҳсин Зокирий, Озод Шарафиддиновлар мутасадди бўлиб чоп этган 20-30 йилларда яшаб ўтган шоирларнинг умумий тўплами бўлган «Тирик сатрлар»нинг тақдири кўпчиликка маълум. Худди шундай бир шароитда Асқар ўзи яхши кўрган шоирни унинг вазни, шеърий руҳини бериш орқали «тирилтирмоқчи» бўлганга ўхшайди. Бу ишларни фақат Асқарга ўхшаган нозимлар қилиши мумкин эди. Ҳар ҳолда бу ҳам шеъриятимизда ҳали баҳосини тўлиқ олмаган янги ҳодисадир.

Миллий туйғулар куйчиси Асқар Қосим тирик бўлганида эллик ёшга кирган бўларди. Афсус, у орамиздан эрта кетди. Биргина юпанч— унинг миллатимиз юрак дардларига йўғрилган халқчил асарлари, фарзандлари!

Ботир НОРБОЙ,
филология фанлари доктори.

ҚАЛАМ ВА ТАҚДИР

Эҳтиром

Бугунги ўзбек ижодкорларининг кўпчилиги уни устоз «Мирзо Анвар» деб билади. Ёшларга журналистика сирларини ўргатади. Одатда олий ўқув юртларида касбнинг амалий томонига кўпроқ аҳамият берилади. Газетада ишлаш жараёнида эса тажриба ижодкор учун нақадар зарурлигини сезиб қоламиз. Лекин уни қалами анча пишиб қолганлар ҳам шундай эътироф этади: устоз. Бунинг боиси бор.

Етмишинчи йилларнинг бошлари эди. «Совет Ўзбекистони» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») таҳририятига қотмадан келган, кўзлари тийрак йигит кириб келди. Ўзини «Тошкент Давлат университети ўқитувчиси Мирзо Анвар Каримов» деб таништирди. Муҳаррир ўринбосари (Оллоҳ раҳмат қилсин) Ҳолбек Ёдгоров у билан анча суҳбатлашди. Кетгач: «жуда зукко кўринади. Назаримда, унда хорижий журналистларга хос ўта синчковлик бор», дедилар. Шу-шу Мирзо Анвар тез-тез таҳририятимизга келадиган, қизиқарли мақолалари билан дам-бадам кўринадиган бўлиб қолди. Қизиғи, биз устозлар Маъруф Назаров, Абдукарим Набиҳўжаев, Ўткир Абдуазимов, Муҳиддин Жалолов, Ҳошимжон Абдусаматов, Тожибой Унабоевларга рўпара келганда дадил гапиролмасдик. Лекин Мирзо Анварни улар давраларига тортишар, очиқ суҳбатлашишарди. Айниқса, фан ва маданият бўлими мудири Ўткир Абдуазимовнинг доимий



муаллифига айланди. Яхши мавзуларда ёзиб турди. Одатда ижодкорлар телевидение тадқиқотига кўпда қўл уришмайди. Анвар аканинг ютуғиям айнан шу телевидение ҳақидаги мулоҳазали мақолалари эди. Ҳар бир чиқишини муштарийлар илиқ қаршилаб, хатлар ёзишарди. Шунданми ҳар келганда масъул котибимиз Абдукарим Набиҳўжаев қўлига бир даста хатни тутқазиб, жўнатарди.

Мирзо Анвар аканинг шу қутлуғ даргоҳда қалами чархланди. Етук журналист бўлиб етишди. Ўзбек телевидениеси, радиоси тарихида эса ўзига хос ўрин қолдирди. Кўпинча биз ижодкорларнинг луғатимизда қизиқ бир жумла бор: мақоласи катта шов-шув бўлди. Кўпроқ танқидий чиқишлар шундай шов-шувлар олиб келади. 1974 йилнинг кузида Мирзо Анварнинг «Телевидение ва ҳаёт» сарлавҳали бош мақоласи босилгач, шундай шов-шувлар бўлди. Ижобий маънодаги шов-шувларга сабаб бўлди. Бош мақоланинг кучи ўзини кўрсатди: тележурналистлар муаллиф мулоҳазаларини чуқур ўрганиб чиқишди. Чора-тадбирлар белгилашди.

У салоҳиятли илм эгаси ҳам. 1971 йилда «Ўзбекистон телевидениесининг пайдо бўлиши ва тараққий этиши» мавзусида фан номзодлиги илмий ишини ёқлади. Узоқ йиллар шу илм даргоҳининг журналистика факультетида телевидение ва радио эшиттиришлар кафедраси мудири бўлиб ишлади. Ёш ўзбек ижод аҳлига илм сабоғини берди. Ўзбек бадиий ва ҳужжатли киносига оид 3 та китоб, 600 дан ортиқ туркум мақолалар муаллифидир. «Мустақил Ўзбекистон радиоси ва телевидениеси» монографиясини нашрга тайёрлашди.

Мирзо Анвар Каримовнинг журналистик фаолиятидан кўплаб илмий ишлар ёзиш мумкин. Бугунги кунда у халқаро журналистика бўлими мудири. Айни вақтда андозаларга мос юқори малакали халқаро журналистлар тайёрлашга ҳам алоҳида аҳамият бермоқда.

Истеъдодли журналист Анвар Каримов(суратда — ўртада)нинг умр йўли, ижоди, айниқса, бугунги кундаги фаол ишлари ҳақида ўйлаганда, беихтиёр у тўғрисида Ҳолбек Ёдгоровнинг бундан 25 йил илгари айтган «ўта синчков, хорижий журналистларга хос нимадир бор» деган гаплари ёдимга тушади. Зеро, у бугун айнан хорижий журналистика тажрибасидан ёшларга сабоқ бериши бежиз эмасдек туюлади.

Юнус ЗИЁДОВ.

БАЛАНС
Акционерного инновационно-коммерческого банка «ИПАК ЙЎЛИ»
на 1 января 1997 года.

Адрес: г. Ташкент, ул. Фархадская, 12 «а»

ИПАК ЙЎЛИ

АКТИВЫ

		тыс. сум
1.	Наличность	25568
2.	Корреспонденский счет в Центральном банке	51062
3.	Денежные средства в иностранной валюте	75788
4.	Фонд обязательных резервов	32006
5.	Вложения в ценные бумаги	53789
6.	Ссуды представленные в финансовые институты, предприятия, организации и населению, из них:	60680
	а) кредиты, предоставленные другим банкам	-
	б) кредиты в иностранной валюте	-
7.	Инвестиции	-
8.	Основные средства и нематериальные активы	71741
9.	Прочие активы	44532
	Всего активов	**415166**

ОБЯЗАТЕЛЬСТВА

1.	Депозиты, в том числе в иностранной валюте	
	а) до востребования	224835
	б) сберегательные	2313
	в) срочные	31101
	Всего депозитов	258249
2.	Выпущенные банком долговые обязательства	965
3.	Кредиты приобретенные у других банков	-
4.	Непогашенные акцепты	34657
5.	Прочие пассивы	1577
	Всего обязательств	**295448**

КАПИТАЛ

1.	Акционерный капитал	32964
2.	Резервный капитал	49132
3.	Нераспределенная прибыль	37622
	Всего капитал	119718
	Всего пассивов	**415166**

ВНЕБАЛАНСОВЫЕ СТАТЬИ

1.	Гарантии, поручительства (выданные банком)	100
2.	Другие счета непредвиденных обстоятельств	-
3.	**Итого внебалансовые статьи**	**100**

Председатель Правления Инкомбанка «Ипак Йули» — Икрамов Х.И.
И.О. главного бухгалтера — Белгородцева В.Г.

ОТЧЁТ
о прибылях и убытках Акционерного инновационно-коммерческого банка «Ипак Йўли» за 1996 год.

Адрес: г. Ташкент, ул. Фархадская, 12 «а»

ДОХОДЫ

		млн. сум
1.	Процентные доходы по выданным кредитам	59,03
2.	Процентные доходы по операциям с ценными бумагами	39,9
3.	Прочие процентные доходы	23,2
4.	Беспроцентные доходы	29,77
	Итого доходов	**151,9**

РАСХОДЫ

1.	Процентные расходы по ссудам	3,01
2.	Процентные расходы по депозитам	25,0
3.	Расходы по операциям с ценными бумагами	5,72
4.	Прочие расходы	53,42
	Итого расходов	**87,15**
	Прибыль/убыток	**64,75**

Председатель Правления Инкомбанка «Ипак Йули» — Икрамов Х.И.
И.О. главного бухгалтера — Белгородцева В.Г.
Достоверность данного отчета о прибылях и убытках подтверждена аудиторской фирмой АО «Узаудитбанк»
Руководитель — Прокопьев Ю.Я.

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тиббиёт билим юрти 28 май куни абитуриентлар учун **«ОЧИҚ ЭШИКЛАР»** кунини ўтказади.

Бизнинг манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чилонзор кўчаси, 1 мавзе, 9-уй.
Автобуслар: 2, 94, 34, 77, 50, 80. Троллейбуслар: 6, 7, 11, 16. Трамвайлар: 4, 9.
«Чилонзор» бекати, метронинг «Ҳамза» бекати.

Олмалиқ шаҳар 15-мактаб томонидан 1996 йилда Руслан Тамалович Фазлиевга берилган VZC №023995 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги «Севдо» кичик корхонаси **ТУГАТИЛАДИ**
Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.